

## **КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ**

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2019 йилнинг 1 июль ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони (дехқон ва фермер хўжаликларисиз) 22657 тани ташкил қилиб, шундан 21552 таси ёки 95,1 фоизи фаолият кўрсатмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо 5360 та (23,7 фоизи), саноат 3565 та (15,7 фоизи), қурилиш 2297 та (10,1 фоизи), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 1639 та (7,2 фоизи), ташиш ва сақлаш 1364 та (6,0 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 25 сентябрдаги “Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 274-сонли қарорига мувофиқ тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар томонидан тақдим этилган билдиришиномага асосан Корхона ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри базаси юритилади.

### **2019 йилнинг 1 июль ҳолатига рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича**

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	бирлик	якунга нисбатан фоизда	бирлик	якунга нисбатан фоизда
<b>Жами</b>	<b>22657</b>	<b>100,0</b>	<b>21552</b>	<b>100,0</b>
<i>ишу жумладан:</i>				
кишлек, ўрмон ва балиқ хўжалиги	2246	9,9	2071	9,6
саноат	3565	15,7	3402	15,8
курилиш	2297	10,1	2182	10,1
савдо	5360	23,7	5070	23,5
ташиш ва сақлаш	1364	6,0	1289	6,0

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	бирлик	якунга нисбатан фоизда	бирлик	якунга нисбатан фоизда
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1639	7,2	1565	7,3
ахборот ва алоқа	230	1,0	217	1,0
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	551	2,4	539	2,5
бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	5405	24,0	5217	24,2

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми яъни 23,7 %и савдо, 15,7 %и саноат, 10,1 %и курилиш, 10,0 %и қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 7,2 %и яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар, 6,0 %и ташиш ва сақлаш, 2,4 %и соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда, 1,0 %и ахборот ва алоқа соҳасида ва 23,9 %и бошқа фаолият турлари ҳиссасига тўғри келган.

### Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатдан ўтган корхоналар ва ташкилотларнинг улуси, % (фермер ва дехқон хўжаликларидан ташқари)



2019 йил январь-июнида жами 3882 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари 3750 та). Уларнинг асосий қисми Бухоро шахри (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 5,4 фоиз), Фиждувон (2,1 фоиз), Ромитан (1,4 фоиз), Жондор (1,3 фоиз), Шофиркон (1,1 фоиз) ва Бухоро (1,1 фоиз) туманларига тўғри келди.

Рўйхатдан ўтган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий улуши Бухоро (7247) шахри, Фиждувон (2468), Ромитан (1716), Бухоро (1680) туманларига тўғри келди, шу билан бирга, энг кам улушни Коровулбозор (425), Олот (741) туманлари, ҳамда Когон (814) шаҳрида кузатилди.

#### **Рўйхатга олинган юридик шахсларни мулкчилик шакллари бўйича**


**тақсимланиши, бирликда**

*(фермер ва дехқон хўжаликларисиз)*

	<b>Жами, бирлик</b>	<b>давлат</b>	<b>нодавлат</b>	<b>шундан хусусий</b>
<b>Вилоят бўйича:</b>	<b>22657</b>	<b>2159</b>	<b>20498</b>	<b>3721</b>
Бухоро ш.	7247	431	6816	1237
Когон ш.	814	81	733	169
<i>туманлар:</i>				
Бухоро	1680	156	1524	368
Вобкент	1025	150	875	120
Жондор	1536	168	1368	138
Когон	1133	89	1044	196
Олот	741	114	627	238
Пешкў	1317	156	1161	126
Ромитан	1716	157	1559	114
Шофиркон	1418	184	1234	201
Қоракўл	1137	171	966	285
Коровулбозор	425	54	371	38
Фиждувон	2468	248	2220	491

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 90,5 фоизи нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 16,4 фоизи хусусий корхоналар, 1,0 фоизи чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 0,2 фоизи акциядорлик жамиятлари, 72,9 фоизи бошқа корхоналар улушига тўғри келди.

**Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар-юридик шахслар мулкчилик шакллари бўйича  
(умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида)**



**Фаолият кўрсатаётган корхоналар** ва ташкилотлар сони 21552 тани ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан солиштирилганда 4587 та (27,0 %) га ошган.

Рўйхатга олинган корхоналар ва ташкилотларнинг умумий сонида фаолият кўрсатаётганларнинг улуши 95,1 % ни, шу билан бирга жами корхоналар ва ташкилотларнинг умумий сонига нисбатан фаолият кўрсатмаётганларнинг улуши 4,9 % ни ташкил этиб, бу кўрсаткич йил бошига нисбатан таққосланганда 0,2 % камайган.

**Фаолият кўрсатаётган ва фаолият кўрсатмаётган корхоналар ва ташкилотлар улуши, %  
2019 йил 1 июль холатига      2018 йил 1 июль ҳолатига**



Иқтисодий фаолият турлари бўйича фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг умумий сонига нисбатан 23,5 % и савдо, 15,8 % и саноат, 10,1 % и курилиш, 9,6 % и қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 7,3 % и яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар, 6,0 % и ташиш ва саклаш, 1,0 % и ахборот ва алоқа, 2,5 % и соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш ва 24,2 % и бошқа фаолият турлари ҳиссасига тўғри келади.

### **Фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг**


#### **иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, %**

*(фермер ва дехқон хўжаликларидан ташқари)*



Худудлар кесимида фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг сонида энг кўпи Бухоро (7034 та) шахри, Фиждувон (2255 та), Ромитан (1671 та) ва Бухоро (1516 та) туманларида ташкил этгани ҳолда, ушбу йўналишда Когон (794 та) шахри, Олот (663 та) ва Қоровулбозор (413 та) туманларида корхоналар сони камлигини кузатиш мумкин.

**Шаҳар ва туманлар бўйича янги ташкил этилган корхоналар ва ташкилотларнинг сони (бирликда)**



2019 йил январь-июнъ ойларида 3882 та корхоналар ва ташкилотлар янги ташкил этилган бўлиб, 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 215,4 % га ошган. Янги ташкил этилган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми Бухоро (1223 та) шахри, Фиждувон (469 та), Ромитан (315 та) ва Жондор (296 та) туманлари хиссасига тўғри келган. Аксинча, Когон (152 та) шахри, Олот (135 та) ва Коровулбозор (75 та) туманларида ташкил этиш кўрсаткичи паст даражада.

**Шаҳар ва туманлар бўйича корхона ва ташкилотлар сони, (бирликда)  
(дехқон ва фермер хўжаликларисиз)**


Вилоят бўйича	01.07.2019 йил холатига рўйхатга олинган	2018 йил январь-июнда	
		ташкил топди	тутатилди
<b>Вилоят бўйича</b>	<b>22657</b>	<b>3882</b>	<b>322</b>
Бухоро ш.	7247	1223	94
Когон ш.	814	152	11
<i>туманлар:</i>			
Бухоро	1680	259	31
Вобкент	1025	187	12
Жондор	1536	296	28
Когон	1133	178	18
Олот	741	135	13

Пешкү	1317	173	9
Ромитан	1716	315	47
Шофиркон	1418	250	11
Қоракүл	1137	170	10
Коровулбозор	425	75	8
Ғиждувон	2468	469	30

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 33,6 фоизи савдо, 23,0 фоизи саноат, 8,1 фоизи қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 10,0 фоизи қурилиш ва қолган қисми бошқа соҳаларга тўғри келади.

Ҳисобот даврида 322 та корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 115 таси (жами фаолияти тугатилганларнинг 35,7 фоизи) ихтиёрий тугатилиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

### 2018 йил январь-июнда ташкил топган ва тугатилган корхоналар (дехқон ва фермер хўжаликларисиз)




2019 йил январь-июнида жами 3882 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари 3750 та). Уларнинг асосий қисми Бухоро шаҳри (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 5,4 фоизи), Ғиждувон (2,1 фоиз), Ромитан (1,4 фоиз), Жондор (1,3 фоиз), Бухоро (1,1 фоиз) туманларига тўғри келди.

## Худудлар кесимида янги ташкил этилган корхоналар

ва ташкилотларнинг сони

(фермер ва дехқон хўжаликларидан ташқари)




Агарда иқтисодий фаолият турлари кесимида кўрадиган бўлсак, корхонлар ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо (1306 та), саноат (891 та), қурилиш (387 та) ва яшаш ва овқатланишда (357 та) янги ташкил этилган. Энг ками эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш (47 та), ахборот ва алоқа (26 та) ҳамда ташиш ва сақлаш (157 та) фаолият турларига тўғри келган.

**Янги ташкил этилган корхоналар ва ташкилотларнинг иқтисодий  
фаолият турлари бўйича сони, бирликда  
(фермер ва дехқон хўжаликларидан ташқари)**

	01.07.2017 й.		01.07.2018 й.		01.07.2019 й.	
	умумий сони	улуши, %	умумий сони	улуши, %	умумий сони	улуши, %
<b>Жами вилоят бўйича</b>	<b>1289</b>	<b>100,0</b>	<b>1802</b>	<b>100,0</b>	<b>3882</b>	<b>100,0</b>
Савдо	189	10,9	266	14,8	1306	33,6
Саноат	302	23,4	265	14,7	891	23,0
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	304	14,6	272	15,1	316	8,1
Қурилиш	140	23,6	237	13,1	387	10,0
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	104	4,4	139	7,7	357	9,2
Ташиб ва сақлаш	57	8,1	56	3,1	157	4,0
Аҳборот ва алоқа	23	1,8	31	1,7	26	0,7
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	36	2,8	55	3,1	47	1,2
Бошқа турлар	134	10,4	481	26,7	395	10,2


**Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил этилган  
корхоналар ва ташкилотларнинг улуси, %  
(фермер ва дехқон хўжаликларидан ташқари)**



2019 йил 1 июль ҳолатига 18279 та тижорат шаклидаги корхоналар ва ташкилотлар фаолият кўрсатаётган бўлиб, шундан хусусий корхоналар – 3413 та, оиласий корхоналар – 1428 та, масъулияти чекланган жамиятлар – 13089 та ва бошқалар – 349 тани ташкил этган.

Тижорат шаклидаги фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми Бухоро (6201 та) шахри, Ғиждувон (1925 та), ҳамда Ромитан (1444 та) ва Бухоро (1296 та) туманларида ташкил этган бўлса, аксинча Когон (670 та) шахри, Олот (511 та) ва Қоровулбозор (339 та) туманларида корхоналар ва ташкилотларнинг сони камлиги қузатилди.

**Ташкилий ҳукукий шакллари таснифлагичи бўйича фаолият кўрсатаётган тижорат корхоналарининг сони, бирликда  
(фермер ва дехқон хўжаликларидан ташқари)**



2019 йил 1 июль ҳолатига фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштироқидаги корхоналар сони 223 тани ташкил этди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 110 тага ёки 197,3 % га ўсган. Ушбу корхоналарнинг асосий қисми Россия Федерацияси, Туркия Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қозоғистон Республикаси ва Корея Республикаси ҳиссаларига тўғри келади.

## **Хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг давлатлар кесимида сони, бирликда**



Россия  
Федерацияси



Туркия



Қозоғистон  
Республикаси



Хитой Халқ



Корея  
Республикаси




Бошқа  
давлатлар


Шунингдек, хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг 143 таси қўшма, 81 таси эса хорижий корхоналар ҳисобига тўғри келади.

## **Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони, бирликда**

**Қўшма корхоналар  
Хорижий корхоналар**



**Жами хорижий капитал  
иштирокидаги корхоналар**



Хорижий капитал иштироқидаги фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг асосий қисми Бухоро шаҳрида 118 та (жамидаги улуши 52,9 %) ва Когон туманида 18 та (8,1 %) ташкил этган. Энг ками Олот туманида 4 та (1,8 %), Шоғиркон туманида 5 та (2,2 %), Қоракўл туманида 5 та (2,2 %), ҳамда Қоровулбозор туманида 6 тани (2,7 %) ташкил этади.

Бу эса мазкур худудларда хорижий ҳамкорлар билан ишлашни, инвестициялар жалб этиш борасида амалий ишларни янада жонлантириш ҳамда ривожлантириш лозимлигини кўрсатмоқда.

**Худудлар кесимида хорижий капитал иштироқидаги фаолият  
кўрсатаётган корхоналар сони, бирликда**

	<i>Корхоналар сони</i>	<i>Жамига нисбатан улуши, %</i>
<b>Вилоят бўйича</b>	223	<b>100,0</b>
Бухоро ш.	118	52,9
Когон ш.	12	5,4
<i>туманлар:</i>		
Бухоро	11	5,0
Вобкент	7	3,1
Жондор	9	4,0
Когон	18	8,1
Олот	4	1,8
Пешкў	14	6,3
Ромитан	8	3,6
Шоғиркон	5	2,2
Қоракўл	5	2,2
Қоровулбозор	6	2,7
Гиждувон	6	2,7

Агар 2019 йил 1 июль ҳолатига фаолият юритаётган хорижий капитал иштироқидаги корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари кесимида кўрсак, энг

кўпи саноатда 101 та (жамига нисбатан улуши 45,3 %), савдода 39 та (17,5 %) ҳамда қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 21 та (9,4 %)ни ташкил қилган. Энг камлари эса ташиб ва сақлашда 2 та (0,9 %), ахборот ва алоқа бўйича хизматларда 1 тани (0,4 %) ва соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш тармоқларда 4 тани (1,8 %) ташкил қилган.

Кўриниб турибдики фаолият юритаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми саноат ва савдо фаолияти, энг кам улуши эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш ҳамда ахборот ва алоқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келган.

**Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича сони, бирликда  
(2019 йилнинг 1 июль ҳолатига)**

	<i>Корхоналар сони</i>	<i>Жамига нисбатан улуши, %</i>
<b>Жами</b>	<b>223</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан:</i>		
қишлоқ, ўрмон ва балиқхўжалиги	21	9,4
саноат	101	45,3
қурилиш	20	9,0
савдо	39	17,5
ташиб ва сақлаш	2	0,9
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	18	8,1
ахборот ва алоқа	1	0,4
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	4	1,8
бошқа турлар	17	7,6


**Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг ўсиш динамикаси, бирликда**



2019 йилнинг январь-июнь ойларидаги хорижий капитал иштироқидаги янги ташкил этилган корхоналарнинг сони 70 тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 48 тага кўпайган.

Бунда, Туркманистон – 22 та, Россия Федерацияси резидентлари капитали иштироқида – 12 та, Туркия Республикаси – 10 та, Хитой Халқ Республикаси - 8 та ва Қозогистон Республикаси – 1 та, ҳамда 17 таси бошқа давлатлар хиссасига тўғри келган. Шунингдек, 2019 йил давомида Афғонистон Ислом Республикаси, Германия Федератив Республикаси, Украина, Озарбайжон Республикаси ва бошқа давлатлар резидентлари томонидан қўшма фаолиятга қизиқиш билдиришган.

**Янги ташкил этилган хорижий капитал иштироқидаги  
корхоналарнинг давлатлар кесимида улуши, %  
(2019 йил январь-июнь ҳолатига)**



Янги (70 та) ташкил этилган хорижий капитал иштироқидаги корхоналарнинг асосий қисми Бухоро (34 та) шахри, ҳамда Когон (7 та) тумани ҳиссаларига тўғри келди. Хорижий капитал иштироқидаги корхоналарнинг энг кам ташкил этган худудлар қаторига Фиждувон (2 та), Жондор (2 та) ва Бухоро (2 та) туманлари киради.

**Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг  
иктисодий фаолият турлари бўйича ўсиш динамикаси, бирликда**

	2018 йил январь-июнь		2019 йил январь - июнь	
	Жами	Умумий сонига нисбатан, %	Жами	Умумий сонига нисбатан, %
<b>Жами</b>	<b>22</b>	<b>100,0</b>	<b>70</b>	<b>100,0</b>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	4	18,2	10	14,3
Саноат	8	36,4	24	34,3
Курилиш	2	9,1	11	15,7
Савдо	4	18,2	18	25,7
Яшаш ва овқатланиш	3	13,6	4	5,7
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар	1	4,5	2	2,9
<b>бошқалар</b>	<b>-</b>	<b>-</b>	<b>1</b>	<b>1,4</b>

Шу билан бирга, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмини кенгайтиришда етарли даражада ишлар тўғри йўлга кўйилмаганлиги сабабли, айrim ҳудудларда хорижий инвеститцияларни жалб қилишда бекарорлик сақланиб қолмоқда. Жумладан, Вобкент ва Қоракўл туманларида жорий йилнинг 1-ярим йиллигига умуман хорижий капитал иштирокидаги корхоналар ташкил этилмаганлигини кўрсатмоқда.

Шунингдек, 2019 йил 1 июль ҳолатига хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатмаётган корхоналар сони 8 та бўлиб, булар Бухоро шахри (5 та), Олот, Ромитан, ҳамда Пешкў (1 тадан) ва туманлари дадир.

2019 йил 1 июль ҳолатига вилоятимизда фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг сони 18149 (фермер ва дехқон хўжаликларидан ташқари) тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 31,9 % га ошган.

Фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг асосий қисми, яъни 6151 таси (34,0 %) Бухоро шахри, 1914 таси (10,5 %) Фиждувон тумани, 1435 таси (7,9 %) Ромитан тумани ҳамда 1293 таси (7,1 %) Бухоро тумани ҳиссасига тўғри келмоқда. Энг ками Қоровулбозор туманида 322 та (1,8 %), Олот туманида 506 (2,8 %) ҳамда Когон шахрида 663 та (3,7 %) ни ташкил этган.

**Худудлар кесимида фаолият кўрсатаётган кичик  
тадбиркорлик субъектлари сони**  
(фермер ва дехқон хўжаликларидан ташқари)

	01.07.2018йил ҳолатига		01.07.2019йил ҳолатига	
	Жами (бирликда)	жамига нисбатан % да	Жами (бирликда)	жамига нисбатан % да

<b>Вилоят бўйича</b>	<b>13755</b>	<b>100,0</b>	<b>18149</b>	<b>100,0</b>
----------------------	--------------	--------------	--------------	--------------

Бухоро ш.	4669	33,9	6151	34,0
-----------	------	------	------	------

Когон ш.	450	3,3	663	3,7
----------	-----	-----	-----	-----

*туманлар:*

Бухоро	993	7,2	1293	7,1
--------	-----	-----	------	-----

Вобкент	640	4,7	780	4,3
---------	-----	-----	-----	-----

<b>Жондор</b>	<b>910</b>	<b>6,6</b>	<b>1242</b>	<b>6,8</b>
---------------	------------	------------	-------------	------------

Когон	724	5,3	913	5,0
-------	-----	-----	-----	-----

Олот	406	3,0	506	2,8
------	-----	-----	-----	-----

Пешкў	855	6,2	1040	5,7
-------	-----	-----	------	-----

<b>Ромитан</b>	<b>1053</b>	<b>7,6</b>	<b>1435</b>	<b>7,9</b>
----------------	-------------	------------	-------------	------------

Шофиркон	739	5,4	1053	5,8
----------	-----	-----	------	-----

<b>Қоракўл</b>	<b>633</b>	<b>4,6</b>	<b>837</b>	<b>4,6</b>
----------------	------------	------------	------------	------------

Қоровулбозор	234	1,7	322	1,8
--------------	-----	-----	-----	-----


<b>Ғиждувон</b>	<b>1449</b>	<b>10,5</b>	<b>1914</b>	<b>10,5</b>
-----------------	-------------	-------------	-------------	-------------

Иқтисодий фаолият турлари кесимида фаолият кўрсатаётган жами 18149 та кичик корхона ва микро фирмаларнинг 5037 таси (27,8 %) савдо, 3367 таси (18,6 %) саноат, 2163 таси (11,9 %) қурилиш, 2025 таси (11,2 %) қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 1556 таси (8,6 %) яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар, 1279 таси (7,0 %) ташиб ва сақлаш, 203 таси (1,1 %) ахборот ва алоқа, 458 таси (2,5 %) соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш ҳамда 2061 таси (11,3 %) бошқа фаолият турлари хиссаларига тўғри келади.

Шундан кўриниб турибдики, фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микро фирмаларнинг асосий қисми саноат ва савдо фаолият турларига тўғри келади.

Энг кам улуши эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш ҳамда ахборот ва алоқа фаолият турларига тўғри келган.

**Фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микро фирмаларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, %да  
(фермер ва дехқон хўжаликларидан ташқари)**



Кичик тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш асосида уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича ишлар етарли даражада ташкил этилмаганлиги сабабли фаолият кўрсатмаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг жами рўйхатга олинганларнинг умумий сонига нисбатан улуши юқори бўлмоқда.

2019 йил январь-июнь ойларида 3750 та кичик корхона ва микро фирмалар янги ташкил этилган. Бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қараганда 241,9 % га кўпроқдир. Энг кўп янги ташкил этилган кичик корхонава микро фирмалар Бухоро шахри (1175 та), Фиждувон (463 та), Ромитан (304 та) ва Жондор (291 та) туманлари ҳиссасига тўғри келади. Энг кам Қоровулбозор (73 та), Олот (132 та) туманлари, ҳамда Когон (150 та) шаҳрида ташкил этилган.

**Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг  
иқтисодий фаолият турлари бўйича сони, бирликда  
(фермер ва дехқон хўжаликларидан ташқари)**




Агарда иқтисодий фаолият турлари кесимида кўрадиган бўлсак, энг кўпи саноатда 890 та, қурилишда 387 та хамда яшаш ва овқатланишда 358 та ташкил этилган. Энг ками эса соғлиқни саклаш ва ижтимоий хизмат кўрсатишида 44 та, ахборот ва алоқада 26 та хамда ташиб ва саклашда 157 та ташкил этилган.

**Тижорат корхоналари.**

2019 йил 1 июль ҳолатига 18279 та тижорат шаклидаги корхона ва ташкилотлар фаолият кўрсатаётган бўлиб, шундан хусусий корхоналар – 3413 та, оиласвий корхоналар – 1428 та, масъулияти чекланган жамиятлар – 13089 та ва бошқалар 349 тани ташкил этган.

## **Ташкилий-хуқуқий шакллари таснифлаги чи бўйича фаолият юритаётган тижорат корхоналарнинг умумий сони, бирликда**




### **Оiviliy korxonalar сони**

Юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган оiviliy korxonalar сони - 2019 йилнинг 1 июль ҳолатига 1495 тани ташкил этиб, улардан 1428 таси ёки 95,5 фоиз фаолият юритади. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан олганда давлат рўйхатидан ўтганларнинг ҳамда фаолият кўрсатаётганларнинг умумий сони ўртacha 0,4 фоизга ошганлигини таъкидлаш лозим.

Фаолият кўрсатаётган оiviliy korxonalarнинг иқтисодий фаолият турлари кесимида қаралганда уларнинг 30,2 фоиз ёки 431 таси яшаш ва овқатланиш хизматлари, 30,7 фоиз ёки 438 таси саноат, 18,8 фоиз ёки 268 таси савдо, 9,7 фоиз ёки 139 таси қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 2,1 фоиз ёки 30 таси соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш, 1,0 фоиз ёки 14 таси курилиш, 1,0 фоиз ёки 15 таси ташиш ва сақлаш, 0,5 фоиз ёки 8 таси ахборот ва алокса ҳамда 6,0 фоиз ёки 85 таси бошқа фаолият турлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

## Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича улуси, %



Иқтисодий фаолият турлари кесимида фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналарнинг 2019 йил 1 июль ҳолатига энг кўпи саноат ҳамда яшаш ва овқатланиш хизматлари, энг ками эса ташиб ва сақлаш, ахборот ва алоқа каби фаолият турлари ҳиссасига тўғри келади.

2019 йилнинг январь-июнь ойларида жами 322 та корхоналар ва ташкилотлар фаолиятини тугатган. Ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 221 тага камайган.

*Албатта хўжалик юритувчи субъектларнинг бугунги кун талабларига мослашиши ва рақобатбардошлигини ошириши борасида юртимизда талайгина ижсобий ўзгаришилар кўзга ташланиб, қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида мамлакатимизда корхоналарнинг бугунги кун бозорига мослашиши даражаси ортиб бормоқда. Мисол тариқасида 2017 йилда 725 та, 2018 йилда 543 та корхоналар ва ташкилотлар ўз фаолиятини яқунлаган бўлса, 2019 йилнинг январь-июнь ойларида ушбу кўрсаткич 322 тани ташкил этган.*

**Янги ташкил этилган ва тугатилган  
корхоналар ва ташкилотлар динамикаси, бирликда  
(фермер ва дөхөн хүжасаликларидан ташқари)**



Агарда тугатилган корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича қарайдиган бўлсак, 21,4 % и ёки 69 таси савдо, 18,6 % и ёки 60 таси саноат, 7,5 % и ёки 24 таси қурилиш, 16,5 % и ёки 53 таси қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 6,8 % и ёки 22 таси яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар, 5,6 % и ёки 18 таси ташиш ва сақлаш, 1,0 % и ёки 3 таси ахборот ва алоқа ҳамда 22,0 % и ёки 71 таси бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келади.

Шундан кўриниб турибдики, тугатилган корхоналарнинг асосий қисми саноат ва савдо фаолият турларига тўғри келади. Шунингдек, энг кам улуши эса ташиш ва сақлаш ҳамда ахборот ва алоқа фаолият турларига тўғри келган.

**Тугатилган корхоналар ва ташкилотларнинг иқтисодий  
фаолият турлари бўйича сони, бирликда  
(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)**


	2018 йил январь-июнь ойларида		2019 йил январь-июнь ойларида		
	Жами	Жамига нисбатан улуши, %	Жами	Жамига нисбатан улуши, %	фарқи, (+,-)
<b>Жами</b>	<b>543</b>	<b>100,0</b>	<b>322</b>	<b>100,0</b>	<b>221</b>

шундан:

Кишлок, ўрмон ва балиқ хўжалиги	57	10,5	53	16,5	4
Саноат	102	18,8	60	18,6	42
Курилиш	59	10,9	24	7,5	35
Савдо	140	25,8	69	21,4	71
Ташиб ва сақлаш	42	7,7	18	5,6	24
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	50	9,2	22	6,8	28
Ахборот ва алоқа	10	1,8	3	1,0	7
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	6	1,1	2	0,6	4
Бошқа турлар	77	14,2	71	22,0	6

2019 йил январь-июнь ойларида 289 та кичик тадбиркорлик субъектлари тугатилган. Уларнинг асосий қисми 68 таси (23,5 %) савдо, 59 таси (20,4 %) саноат, 22 таси (7,6 %) қурилиш, 52 таси (18,0 %) қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 22 таси (7,6 %) яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар, 18 таси (6,2 %) ташиш ва сақлаш, 3 таси (1,0 %) ахборот ва алоқа ҳамда 43 таси (15,0 %) бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келган.

**Тугатилган корхоналар ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, % да  
(фермер ва дехқон хўжаликларидан ташқари)**



Тадбиркорликни қўллаб - қувватлаш натижасида ҳудудларда ҳам тугатилган кичик корхона ва микрофирмалар сони йилдан йилга камайиб бормоқда. Ушбу йўналишда асосан Бухоро шаҳрида - 132 та, Шофиркон туманида - 25 та, ҳамда Пешкў туманида - 24 та кичик корхона ва микрофирмалар 2018 йилнинг январь-июнь ойларига нисбатан кам тугатилганлигини статистик рақамларда кўришимиз мумкин.